

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТНИНГ АҲАМИЯТИ

"UNIVERSITY OF ECONOMICS AND PEDAGOGY"NOTM ,

Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси доценти

Абдуразақова Ферузахон

Бошланғич таълим йўналиши, 59-гуруҳ талабаси

Юсупова Зарнигор Абдумуталибойевна

Аннотация

Жамият тараққиётининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу ёшлар тарбияси ҳисобланади. Узоқ тарих давомида аллома, мутафаккирлар, миллатнинг зиёлилари жамият ривожини, мамлакат фаровонлигини, тинчлик хотиржамлигини ёшлар тарбияси билан боғлаганлар. Қаерда тарбия масаласини таълим билан, миллий қадрият, анъаналар, менталитет билан узвий боғлиқликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлган. Ёшлар таълим тарбиясига эътиборизлик қилган жойда эса, инқирозлар, миллий ўпирилишлар содир бўлган. Тарбиянинг мақсади – ёшларнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий, диний қадриятларга йўғрилган, руҳан соғ-лом, жисмонан бақувват, маънан покиза тарбия топиб, комил инсон бўлиб шакллантиришдир.

Калит сўзлар: Ёшлар, тарбия, тарих, маданий ёдгорлик.

Ёшлар тарбиясида урф - одат, қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, ўз тарихига эътибор, давлатчилик тарихи масалалари ҳамда тарихий обидаларга эътибор масалалари ҳам ёшлар тарбиясида ўз ўрнига эга. Бугунги кунда тарихий обидаларга эътибор давлат сиёсатидаги масала. Дунё давлатлари орасида узоқ йиллик давлатчилик тарихидан далолат берса, бугунги замонавий давлатларда туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчасида ёшларнинг ўрни, тарихий обидаларга муносабати, уни асраш ва сақлашдаги ўрни ҳам катта.

Бироқ, совет давлати ҳукмронлиги йиллари бу обидаларга буюк тарихий мерос, халқ маънавий мулки сифатида қаралмади. Таъмирланиб, ён - атрофи ободонлаштирилган баъзи ёдгорликларга турли муассаса ва идоралар жойлаштирилди. Маҳаллий аҳолининг маданияти, маънавиятини юксалтиришда хизмат қилиши мумкин бўлган обидаларнинг аксариятига "эскилик сарқити" сифатида қаралди ва асосан хўжалик эҳтиёжлари мақсадларида фойдаланилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги Бешёғоч даҳасидаги Абулқосим мадрасаси 1919 йилда ёпиб қўйилди, 1929 йилда очарчиликдан азият чекиб Самарадан кўчириб келтирилган 70 та оила

жойлаштирилди. 1974 йилда бўлса Тошкент ўйинчоқ фабрикасининг филиали жойлаштирилди, бино қиёфаси бутунлай ўзгартириб юборилди. 1983 йилдан кейин партия, совет идоралари томонидан меъморий обидалар ижарага бериш ҳолатлари кўпайиб, турли мақсадларда фойдаланилаётган ёдгорликларнинг сони 1984 йилда 150 тага, 1985 йилга келиб эса 230 тагача етди. 115 та ёдгорликдан сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун фойдаланилди, 33 та ёдгорлик музейга, 22 таси театрга, 69 таси маданий-маърифий муассасаларга айлантирилди. Баъзи собиқ масжид ва мадрасаларда атеизм бурчаклари ташкил этилди[1.].

Давлат ажратаётган маблағлар ҳисобига таъмирланган тарихий обидалардан фойдаланилсада, уларни сақлаш талаб даражасида бўлмаган. Тарихий обидаларга бой Хивада 1967 йилда 82 та масжид, мадрасалар давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларни муҳофаза этиш учун харажатлар қилиб келинган бўлса ҳам, раҳбарларнинг эътиборсизлиги натижасида обидалар атрофларидаги ерлар аҳолига уй - жой қуриш учун бўлиб берилиб, бу ерларда кўп ташкилотларнинг лойиҳасиз қурилган бинолари ишга тушган. 1978 йил Хивада ўзбек киноси асосчиси Х. Девонов яшаган ва ижод қилган уйининг бир қисмидан хўжалик омбори сифатида фойдаланилган. Муҳаммад Аминхон мадрасаси меҳмонхонага айлантирилган. Оллоқулихон карвонсаройида савдо - сотиқ ишларини амалга ошириш учун савдо расталари ишга туширилган. Хива шаҳрининг ўзида 21 ташкилот ва идоралар тарихий ёдгорликлардан хўжалик ишлари мақсадларида фойдаландилар. Самарқандда эски шаҳар ҳаробалари эса канализация ишларини амалга ошириш вақтида вайрон этилди. Қаровсизлик натижасида баъзи ёдгорликлар фуқаролар томонидан бузиб ташланганлиги ҳолатлари ҳам юз берганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Сурхондарё вилоятидаги пахсадан қилинган “Қирқ қиз” ансамблининг катта бир қисми кулаб тушди. Архитектура ёдгорликларини бузилгани учун бериладиган маъмурий жазо ҳам жиддий бўлмади.

Қашқадарё вилоятида X - XI асрларга оид бўлган Исҳоқ Ота мақбараси таъмирлашнинг барча қоидаларга ҳилоф равишда цемент билан суваб ташланган. Ёштдан ясалган бу бинодаги гўзал нақшлар бўлса ана шу сувоқнинг остида қолиб кетди[2.]. Вилоятдаги яна бир ёдгорлик - Султон мир Ҳайдар комплекси ҳам мана шундай таъмирлаш ишлари натижасида ўзининг тарихий ва маданий қийматини йўқотди. Қарши шаҳридаги XV11 асрга оид бўлган Шермуҳаммад мадрасаси, Ғузор туманидаги Гулшан мадрасаси, Дехқонобод туманидаги Калтаминор, Султон Рабод масжидлари, Қарши туманидаги Чарагил, Юқори Қорачил, Файзи ўғли, Зоир бобо, Кат, Паргуза масжидлари шулар жумласидан эди. Умуман, вилоятда 1980 йиллар ўрталарига келиб бузилиб, йўқолиб кетган тарихий ёдгорликларнинг сони 47 тани ташкил

этар эди[3.]. Ваҳоланки, Шаҳрисабз республикадаги қадимий давлатчиликнинг дастлабки маскани бўлган тарихий шаҳарлардан бири эди. XII аср бошларида барпо этилган Минораи Калон, Чор Бақр ансамбли, XVIII асрга мансуб Қиз биби меъморлик ансамбли атроф - муҳитнинг бузилиши оқибатида шўр босиб кетди[4.].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1980 йилларининг охирига келиб кенг жамоатчилик орасида ҳам тарихий ёдгорликларни тиклашга бўлган ҳаракат ортиб борди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида тарихий ёдгорликларни тиклаш мақсадида бир гуруҳ оқсақоллар, зиёлиларни тарихий обидалар, қадимий эски китоб ва қўлёзмаларни сақлаш ҳамда асраб авайлаш мақсадида ёзилган мурожатномаси вилоят вақтли матбуотида эълон қилинди. Уй - жой коммунал - социал хўжалик банки ҳузурида махсус хайрия-эҳсон ҳисоби очилди. 1990 йил август ойига қадар 12 минг рубль пул тўпланди[5.]. Бироқ, ишларнинг тўлиқ амалга оширмаслик бор маблағни ўз ўрнига сарфлашга имкон бермади. Масалан, машҳур “Оқсарой” ёдгорлигини таъмирлаш вақтида республика “Меъмор” бирлашмаси томонидан ёғоч ўрнатадиган металл қувурлар ва хамутлар ажратиб, керакли жойга етказиб берилмади. Қашқадарёнинг эски кўприги (XIII аср), қадимий ҳаммоми (XVI аср) ҳам аянчли аҳволда бўлиб, ҳаммом биносида уч йил давомида “Реставрация бормоқда”, деган ёзув осилиб турган[6.].

Шуни ҳам қайд этиш керакки, 1960-1970 йилларда республиканинг янги ташкил топган шаҳарлари атрофларида ҳам маълум тарихий обидалар мавжуд бўлган. Биргина Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси тарихий ёдгор-ликларни муҳофаза қилувчи кўнгилли шаҳар жамиятига, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг маданий ёдгорликларни муҳофаза қилувчи Бош Бошқармасига топшириб қўйган бўлсада, Тошкент шаҳрининг айрим туман-ларида эса маданий ёдгорликларни ҳисобга олувчи комиссияларнинг ўзи бўлмаган. Ҳатто, баъзи туман ижроия қўмиталари раислари бу тўғрисида аниқ тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар[7.]. Натижада шаҳардаги баъзи маданий ёдгорликлар бузилиб кетишига ёки бутунлай хароб ҳолга келиб қолишига олиб келди. Шаҳардаги “Айрилиш” мадрасаси ўрнига турар жой, “Қози Низомиддин” масжиди ўрнига дорихона қурилган. Айрим ҳолларда, бу ерларда ҳам обидалардан ишлаб чиқариш корхонаси ёки омборхона сифатида фойдаланилди. Бинолардаги айрим хоналар идораларнинг талаб-ларига мослаб қурилди. Хоналар кенгайтирилиб, деворлари олиб ташланди, дераза, эшикларнинг ўрни алмаштирилди. Тарихий обидалар ўрнида ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди.

Қадимги Фарғонанинг пойтахти бўлган Ахсикент шаҳри Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида жойлашган бўлиб, уни ўрганиш XX аср-

нинг 60 - йилларидан бошланган эди. Бу шаҳарни ноёблиги боис “Фарғона Афросиёби”, деб ҳам атаганлар. ЮНЕСКО рўйхатига кирган, жаҳон аҳамиятига молик бўлган ушбу ёдгорлик Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, йиллар давомида сув тошқинлари натижасида харобага айланиб борган. Ёдгорлик жойлашган ернинг 300 гектардан ортиқ работ қисмида йиллар давомида пахта экилиб келган. Шимолий қисми бўлса аҳолига уй-жой қуриш учун бўлиб берилган. Археологик ёдгорликларга эътиборсизлик кучлилиги оқибатида 1980 йиллар ўрталарида махсус тайёрланиб, реставрация ишларида фойдаланилган ғиштлар ўғирлаб кетилган.

Умуман, тарихимизнинг ноёб иншоотлари, маънавият ва маърифат ўчоқлари бўлган – мадраса, масжидлар, маҳобатли мақбара ва минаралар, яъни ота – бобларимиздан қолган ноёб ёдгорликлар совет мафкурасининг тазйиқи остида даҳрийликни, инсон ақлига сиғмас коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи музейларга ёки ресторан, қахвахона, бар каби миллат эътиқодига зид бўлган кўнгилочар масканларга айлантирилди. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимиз, энг аввало ёшларимиз маънавий оламини кучайтириш ва дахлсизлигини асраш учун доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлишимиз, таҳдидларга қарши чуқур ўйланган, илмий услубга асосланган ва узлуксиз давом этадиган маънавий тарбияни олиб бориш лозим бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўз МА. Р-2454-фонд, рўйхат-6, йиғма жилд – 4565. 69-варақ.
2. Ўз МА. Р-2454-фонд, рўйхат-6, йиғма жилд -4565, 102-варақ.
3. Тўхтамишев И. Ёдгорлик ҳам кўзгу // Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 28 август.
4. Ўз МА. Р-2454-фонд, рўйхат-6, йиғма жилд -4565, 96-варақ.
5. Тўхтамишев И. Ёдгорлик ҳам кўзгу // Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 28 август.
6. Ўз МА. Р-2454-фонд, рўйхат-6, йиғма жилд - 4565, 67-варақ.
7. ЎзМА. Р-2296-фонд, рўйхат – 7, йиғма жилд – 58, 123 варақ.
8. Tojiboyeva, G., & Shobdurahimova, U. (2022). O ‘QITUVCHI FAOLIYATIDA MULOQOT MADANIYATI, UNI BAHOLASH MEKANIZMI VA PSIXOLOGIYASI. *Архив научных исследований*, 2(1).
9. Таджикибаева, Г. Р. (2021). ПРИЧИНЫ И ПУТИ РАЗРЕШЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 4(3).